


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимиға мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида.....	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101
ИЛМИЙ АҲБОРОТ	
Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала.....	105
М.Ахмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(BIXSB1-X) 2ТЕЗ поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Хакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмига таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пулатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидакбарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошлангич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, F.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Мусиқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факултети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159
ФАНИМИЗ ФИДОИЛАРИ	
Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	166

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ МАДАНИЙ МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИ
ТАРИХИДАН (КИНО САНЬАТИ МИСОЛИДА)

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЕЛЬСКИХ
УЧРЕЖДЕНИЙ КУЛЬТУРЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ
(НА ПРИМЕРЕ КИНОИСКУССТВА)

FROM THE HISTORY OF THE ACTIVITY OF THE VILLAGE INSTITUTIONS OF CULTURE
OF FERGHANA VALLEY (ON THE EXAMPLE OF CINEMATOGRAPHIC ART)

Э.Тажимирзаев

Аннотация

Мақолада 1960-1970 йилларда Фарғона водийси қишлоқларидағи кино санъати хизмати масалалари ёритилган. Хусусан, қишлоқ ахолисига хизмат кўрсатган кинотеатрлар, кўчма кино, клублар фаолияти ҳамда уларнинг моддий-техник аҳволи, уларда намойиш этилган фильмлар каби масалалар архив материаллари ва илмий адабиётлар асосида ёритилган.

Аннотация

В статье освещены вопросы оказания услуг по кинопрокату в селах Ферганской долины в 1960-1970 годах. В частности, на основе научной литературы и архивных материалов рассмотрены такие вопросы, как деятельность кинотеатров, передвижных киноустановок и клубов, их материально-техническое состояние, а также характер демонстрировавшихся фильмов.

Annotation

The article highlights the issues of film distribution and demonstration service in the villages of Fergana valley in 1960-1970. In particular, on the basis of scientific literature and archival materials, such issues as the activities of cinemas, movie theater and clubs, their material and technical condition, and films shown were examined.

Таянч сўз ва иборалар: кино, кинотеатр, томошабин, кино намойиши, қишлоқ, колхозчи, киноқурилма, клуб.

Ключевые слова и выражения: кино, кинотеатр, зритель, демонстрация кино, село, колхозник, киноустановка, клуб.

Keywords and expressions: cinema, movie theater, spectator, cinema demonstration, village, collective farmer, film installation, club.

Қарийб бир асрлик тарихга эга ўзбек бадиий кино санъати давр синовларини босиб ўтди. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида ижодкорлар томонидан яратилган овозсиз, овозли, рангли, кенг форматли фильмлар турли жанр ва йўналишларда тасвирга туширилган. Ушбу фильмларнинг ҳар бири ўз ғоявий йўналишига эга бўлган. Фильмлarda ишлаб чиқариш техникаси нуқтаи назаридан ҳам ўзига хослик мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида ўзбек кино санъатида бир қатор ўзгаришлар юз берди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июль 247-сонли қарорига асосан, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ташкил этилди [1]. Ушбу фармон ижроси доирасида ўзбек кино санъатида янги изланишлар олиб бориш, замонавий техник воситалар билан таъминлаш даражаси янада ошди. Натижада, республикада давлат ва нодавлат киностудиялар сони ортди. Бироқ, тарихий фильмлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга

оширилмади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузасида бугунги кунда тарихий фильмлар яратиш заруратини таъкидлади. Шунингдек, Ш.М.Мирзиёев: «Ижодкорларимиз тарихий мавзуга қўл урар эканлар, кўламни кенгроқ олишга, маррани баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Чет элларда Спартак, Ганнибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховон, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳақида тарихий ва бадиий жиҳатдан мукаммал қандай етук асарлар яратилган! Ҳолбуки, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдки, лекин асло кам эмас. Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга ошиrimiz керак. Айнан кино санъати орқали

Э.Тажимирзаев-Андоу Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчisi.

жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин» – дея соҳа вакилларига керакли кўрсатма ва топшириқларни берди [2,192-193].

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ҳалқ орасида кино санъати анча шуҳрат қозонди. Кино санъати халқни ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга кўмаклашди.

XX асрнинг 60-йилларида киноқурилмаларнинг сони ортиб борди. Хусусан, 1965 йилда Ўзбекистон ССРда 3462 та(1958йилдагига қараганда икки баробар кўп) киноқурилма ишлаган[3,482].

Аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётида кино ва театрларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб ҳам борган. Масалан, республика кинотеатрларига киносеансларни кўриш учун 1958 йилда 73 миллион нафар киши ташриф буюрган. Ушбу кўрсаткич 1965 йилга келиб 120 миллион нафарни ташкил этган[3,482]. Шунингдек, Ўзбекистон ССРда 1958 йилда бир киши киносеансларда ўрта ҳисобда 9 марта бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1965 йилда 12 марта ошган [3,482]. Кўриниб турибдики, XX асрнинг 60-йиллари ўрталарига келиб республика аҳолисининг кинога бўлган қизиқиши сезиларли даражада ошган.

Киносеансларда (давр талабларидан келиб чиқиб) мазмун жиҳатдан турли фильмлар намойиш қилинган. Масалан, 1966 йил 27 май ҳамда17 сентябрдаги «Пахта экиш ва пахта ҳосилини йиғиш даврида колхозчилар ва совхоз ишчиларини ташкиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон КПМКнинг қарори ижроси бўйича пахта экиш ва ҳосилини йиғиб олиш мавсумида дала шийпонларида колхозчилар учун доимий равишда илмий-оммабол, хроникал ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этиб борилган. Шунингдек, чорвадорларга хизмат кўрсатиш учун яйловларда ҳам кўчма қурилмалар ёрдамида киносеанслар ташкил этилган. Жумладан, 1974 йилда чорвадорлар учун яйловларда 350 та киносеанс намойиш қилинган.

Шунингдек, Наманган вилоятида 1974 йил кинопрокатнинг вилоят идораси томонидан қишлоқ кинотеатр ва киноқурилмаларига 3959 та бадиий, 891 та ҳужжатли ва илмий-оммабол кинофильмларни намойиш этиш учун берилган. Ҳужжатли ва илмий-оммабол кинофильмлардан 408 таси қишлоқ ҳўжалиги, 178 таси тиббиёт, 262 таси фуқаролик мудофаси, 43 таси бошқа мавзуларга бағишланган эди. Шунингдек, бу даврда ёш болаларга мўлжалланган 486 та кинофильм намойиш қилинган.

Республика кино санъатида 1970 йилларга келиб ўзига хос ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, 1970 йилларда республиканинг ҳар 10 минг нафар аҳолисига 3 та киноқурилма тўғри келган [3,482]. Бироқ, бу борада шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд эди. Хусусан, 1970 йилларда киносеансларни ташкил этиш, кинотеатрларда тизимли хизмат кўрсатиш масалалари қишлоққа нисбатан шаҳарда яхши йўлга қўйилган эди. Масалан, Ўзбекистон ССРда қишлоқда яшаган киши йилига 9,3 марта кинога тушган (СССР бўйича бу кўрсаткич 17,8 марта тенг эди). Шунингдек, қишлоқда яшаган 1 нафар киши йилига кинога тушиш учун 1 руб. 21 кооп. маблағ сарфлаган [5,10]. Фарғона вилоятида 1973 йилда бир киши йилига 12, Андижон вилоятида 11,7 марта кинотеатрларга борган бўлса, Наманган вилоятида бу кўрсаткич 10,8 марта ташкил этган. 1973 йилда Наманган вилоятида бир киши кинога 1 руб.71 кооп. маблағ сарфлаган [6,71].

Наманган вилоятида 1974 йилда 36875 ўринга эга бўлган 226 та давлат кинотеатри фаолият кўрсатган. Уларда доимий равишда ишлаб турган киноқурилмалар 112 тани ташкил этган, 38 та ёзги кино майдонча ва 76 та кўчма киноқурилма бўлган. Кинотеатрлар ва киноқурилмалардан 143 таси катта, 84 таси оддий экранли эди.

Наманган вилоятида 1970-1974 йилларда 8280 ўринга эга бўлган 22 та кинотеатр ва киноқурилма қуриб битказилган. Шу жумладан қишлоқларда 15 та киноқурилма ишга туширилган. Жумашўй посёлкасида 1971 йил сентябрда 450 ўринли ёзги кинотеатр ва Наманган шаҳрида 500 ўринли “Молодая гвардия” кинотеатри (иккита залдан иборат) ишга туширилган.

1974 йилда Наманган вилояти қишлоқларида 198 та кинотеатр ва киноқурилма фаолият юритган[6,68]. Қишлоқ кинотеатрларининг 122 таси кенг экранли, 76 таси кўчма кинодан иборат бўлган.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган маълумотларга қарамасдан соҳада ўзига хос ечими долзарб муаммолар мавжуд эди. Масалан, соҳада малакали мутахассисларнинг йўқлиги, кинотеатрлар фаолиятида ўзига хос мураккабликларни вужудга келтирган.

Шунингдек, соҳада моддий таъминот масаласига ҳам етарлича эътибор қартилмаган. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йилда Балиқчи, Ворошилов (Андижон вилояти) районлари марказларида янги кинотеатрлар очиш тўғрисидаги қарори амалда бажарилмаган

ИЛМИЙ АХБОРОТ

[4,109]. 1960 йилда Андижон вилоятининг қатор қишлоқлари ва колхоз марказларида яхши киноклуб бинолари мавжуд эди. Бироқ, улардан мунтазам ва унумли фойдаланилмаган.

Наманган вилояти қишлоқ жойларида 633 та аҳоли пунктлари бўлган. Бу аҳоли пунктларига 198 та киноқурилма ҳизмат кўрсатган бўлиб, таъминланиш даражаси 35 фоизни ташкил қилган. Ўртача ҳисобда битта киноқурилмага учта аҳоли пункти тўғри келган (битта киноқурилма қишлоқларда 3460 нафар кишига ҳизмат кўрсатган). Кўчма кинотармоқлар эса, бир ойда ҳар бир аҳоли пунктига бир ёки икки марта ҳизмат кўрсата отган.

Шунингдек, Наманган районида қишки кинотеатр бўлмаган. Ёзги кинотеатрни деярли барча ўриндиклари яроқсиз эди. Қишлоқлардаги деярли барча кинотеатрлар биноси таъминалаб эди. Ҳатто, автотранспорт ва кинотехника ҳам таъмирлашга муҳтож бўлган.

Совет ҳокимияти соҳада аҳволни яхшилашга эътибор қаратган. Бироқ, соҳадаги камчиликлар бутунлай бартараф этилмаган. Масалан, Наманган вилояти кино бошқармаси томонидан 1975 йилда Наманган райони кинодирекциясига қишлоқларда кино сифатини яхшилаш мақсадида 11 минг сўмлик 1 та КПК-23, 4400 сўмлик 4 та КН-7, 2000 сўмлик 4 та “Украина-5” аппарати ҳамда 700 та театр креслосини олиб берди. Шунингдек, УАЗ-469 машинаси ҳам берилган [8,14]. Бироқ, бу каби таъминотлар соҳада кам ҳоллардагина учраган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, 1960-1970 йилларда Ўзбекистонда, хусусан, Фарғона водийси қишлоқларида 1945-1950 йилларга нисбатан кино санъати соҳасида аҳвол анча яхшиланган. Ушбу йилларда водий қишлоқларида кўплаб кинотеатрлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Кўчма киноқурилмаларнинг фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Аммо, соҳада вужудга келган муаммолар ўз вақтида ва тизимли равишда бартараф этилмаган.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июль 247-сонли қарори, //uz.m.wikipedia.org/wiki/Kino_san%CA%BCati
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.
3. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўртинчи том. Социализм қуришни тугаллаш даври ва коммунизмга ўтиш даври (1938-1965 йиллар). Бош мұхаррир: И.М.Мўминов, – Т.: Фан, 1971.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р-837 фонд, 39-рўйхат, 552-иш.
5. ЎзР МДА, Р-90 фонд, 10-рўйхат, 4153-иш.
6. ЎзР МДА, Р-837 фонд, 41-рўйхат, 3454-иш.
7. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), Р-1126 фонд, 6-рўйхат, 220-иш.
8. Наманган вилоят давлат архиви (НВДА) Р-233 фонд, 1-рўйхат, 263-иш.
9. Эгамов Э., Мехмонов С. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити: муаммо ва ечимлар. – Т.: Мечнат, 1991.
10. Узбекская ССР в цифрах в 1988 году. Краткий статистический сборник 1988 года. – Т.: Узбекистан, 1989.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)